



20 19 yil « 12 » ЯНВАРЬ

16-К -sonli

Samarqand sh.

**Самарқанд вилоятида 2019 йилда давлат кўчмас мулкidan фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги “Давлат мулкани ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 102-сонли (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами, 2009 й., 15-сон, 186-модда) қарорининг 3-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 13 декабрдаги 2974/04-17-1 сонли хати билан тақдим этилган Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирликлари ўртасида келишилган 2019 йилда давлат кўчмас мулкidan фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкаларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосланиб

#### **Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:**

1. Қуйидагилар:

Самарқанд вилоятида 2019 йилда давлат кўчмас мулкidan фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари 1-иловага; ижара тўлови ставкаларига қўлланиладиган оширувчи коэффициентлар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. “Самарқанд вилоят давлат мулкани ижарага бериш маркази” давлат унитар корхонаси директори (Б.Пайшанов)га:

давлат мулкани ижарага беришни ташкил этиш ва ижарага бериш;  
ижарага берилган давлат мулкани ва уни ижарага беришдан тушадиган маблағларни ҳисобга олиш ва мониторингини олиб бориш;

ижарага бериладиган давлат мулки бўйича маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш;

ижара объектларидан мақсадли фойдаланишини ва уларнинг сақланишини, шунингдек ижара тўлови ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини назорат қилиш;

ижарага берилган давлат мулкани ҳар чораклик асосда хатловдан ўтказиш;

фойдаланилмаётган давлат мулки ижарага берилиши тўғрисидаги эълонларни ва ижарага берилаётган давлат мулки рўйхатини даврий нашрларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Савдо-саноат палатасининг веб-сайтларида жойлаштирилишини таъминлаш топширилсин.

3. “Самарқанд вилоят давлат мулкани ижарага бериш маркази” давлат унитар корхонаси (Б.Пайшанов), вилоят давлат солиқ бошқармаси (Ахмедов), шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳудудларда ижара муносабатларини тартибга солиш, ижарага берилаётган давлат мулки ҳисоботини тўғри юритиш ва бюджетга кўшимча маблағларни жалб қилиш мақсадида давлат мулкани балансда сақловчилар томонидан ижарага бериш самарадорлигини ошириш ва ташкиллаштиришда ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйсинлар.

4. Вилоят ҳудудида 2019 йилда давлат мулки бўлган бинолар ва хоналарда жойлашган бюджет ташкилотлари учун ижара тўловининг ноль ставкаси белгилансин.

5. Вилоят ҳокимлиги Ахборот-таҳлил гуруҳи (Ҳамракулов), вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” давлат унитар корхонаси (Эргашев) мазкур қарорни “Зарафшон” ва “Самарқандский вестник” газеталарида эълон қилинишини ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилишини таъминласинлар.

6. Вилоят ҳокимининг 2018 йил 8 февралдаги 83-Қ-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Худайбердиев зиммасига юклатилсин.

8. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга кириди.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов

**Самарқанд вилоятида 2019 йилда давлат кўчмас мулкидан  
фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари**  
(бир йилга умумий фойдаланиш майдонининг 1 кв. м учун)

Т/р	Ижарага бериладиган майдондан фойдаланиш мақсади	1 кв.м учун йиллик энг кам ставка (сўмда)	
		Самарқанд шаҳри учун	Туманлар ва шаҳарлар учун
<b>Саноат</b>			
1	Ёқилғи саноати	5 600	4 900
2	Кимё саноати	5 600	4 900
3	Нефт-кимё саноати	5 600	4 900
4	Машинасозлик	5 600	4 900
5	Дастгоҳсозлик ва асбобсозлик саноати	5 600	4 900
6	Ҳисоблаш техника воситалари саноати	5 600	4 900
7	Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги	4 600	4 000
8	Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлик	4 600	4 000
9	Енгил ва озиқ-овқат саноати ҳамда маицший приборлар машинасозлиги	4 600	4 000
10	Санитар-техник ва газ ускуналари ҳамда буюмлари ишлаб чиқариш	5 600	4 900
11	Металл конструкция ва буюмлар саноати (токарлик хизмати)	5 600	4 900
12	Машина ва ускуналарни таъмирлаш	5 600	4 900
13	Машинасозликнинг бошқа тармоқлари	5 600	4 900
14	Ёғочни тайёрлаш саноати	5 600	4 900
15	Ёғочни қайта ишлаш саноати	5 600	4 900
16	Целлюлоза-қоғоз саноати	5 600	4 900
17	Ёғочдан мебел, эшик ва ромлар ишлаб чиқариш	16 800	14 800
18	Қурилиш материаллари саноати	5 600	4 900

18	Курилиш материаллари саноати	5 600	4 900
<b>Енгил саноат</b>			
19	Тўқимачилик саноати	5 600	4 900
20	Тикувчилик саноати	5 600	4 900
21	Чарм, мўйна ва пойафзал саноати	5 600	4 900
22	Енгил саноатнинг бошқа ишлаб чиқариш соҳалари	5 600	4 900
<b>Озиқ-овқат саноати</b>			
23	Озиқ-овқат саноати (балиқ, гўшт, ёғ-пишлоқ ва сут саноатидан ташқари)	5 600	4 900
24	Гўшт ва сут саноати	5 600	4 900
25	Балиқчилик саноати	5 600	4 900
26	Ун, ёғ ишлаб чиқариш саноати	5 600	4 900
27	Комбикорм саноати	4 600	4 900
28	Озиқ-овқат саноатининг бошқа тармоқлари	5 600	4 900
<b>Саноатнинг бошқа соҳалари</b>			
29	Табобат саноати	5 600	4 900
30	Нашриёт саноати	15 700	13 900
31	Кийим-кечак ва газламадан тайёрланган бошқа буюмларни кимёвий тозалаш, бўяш, ювиш ва уларга ишлов бериш	6 800	5 900
32	Саноатни хўжалик бошқариш	15 700	13 900
<b>Қишлоқ хўжалиги</b>			
33	Ўсимликчилик ( шу жумладан, иссиқхона) 1 га	2 239 600	1 975 200
34	Чорвачилик ва паррандачилик	2 700	2 400
35	Балиқчилик (шу жумладан, питомник) 1 га	2 239 600	1 975 200
36	Асаларичилик 1 га	1 456 000	1 284 000
37	Ветеринария хизмати	5 600	4 900
38	Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи бошқа ташкилотлар	5 600	4 900
39	Ўрмон хўжалиги ( шу жумладан,	2 239 600	1 975 200

	боғлар) 1 га		
<b>Транспорт ва алоқа</b>			
40	Жамоат ер ости темир йўл транспоротидан фойдаланиш	5 600	4 900
41	Автомобил хўжалиги (автожамланма, таксопарк, автостоянка, гараж)	5 600	4900
42	Автомобил хўжалиги (штраф майдонлари)	1 400	1 300
43	Автомойка	18 000	14 000
44	Автозаправка	18 000	18 000
45	Аҳоли буюртмасига асосан юк ташиш ва бошқа автомобил экспедицияси	10 100	9 000
46	Почта алоқаси	5 600	4 900
47	Курьерлик алоқаси	11 200	9 800
48	Электр-кабел алоқаси	11 200	9 800
49	Радио, уяли ва пейджинг алоқаси (мослама тортқич тортилган симлар периметри бўйича, шу жумладан иншоот ва технологик ҳудудлар)	47 100	41 500
<b>Қурилиш</b>			
50	Қурилиш	5 600	4 900
51	Лойиҳа, лойиҳа-қидирув ва қидирув ташкилотлари	5600	4 900
52	Пластик эшик ва ромлар ишлаб чиқариш	33 000	27 000
<b>Савдо ва умумий овқатланиш</b>			
53	Улгуржи савдо	15 700	13 900
54	Товарларни тўпламлаб (партиялаб) қилиб сотиш билан шуғулланадиган улгуржи бозорлар	40 300	35 500
55	Чакана савдо	15 700	13 900
56	Умумовқатланиш	15 700	13 900
57	Ярим тайёр озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш (фаст фуд)	24 600	20 000

58	Китоб дўконлари	2 200	2 000
59	Уй рўзгор буюмлари ва маиший буюмларни ижарага бериш	15 700	13 900
60	Халқ истеъмоли молларини олиш, сотиш ва сотиб олишда воситачилик хизмати	24 600	21 700
61	Моддий-техника таъминоти ва сотиш	15 700	13 900
62	Ахборот-ҳисоблаш хизмати	15 700	13 900
63	Интернет ва компьютер тармоғи бўйича хизмат кўрсатиш	15 700	13 900
64	Кўчмас мулк билан боғлиқ битимлар	15 700	13 900
65	Реклама, ваколатлик хизмати	15 700	13 900
66	Маркетинг тадқиқотлари, тижорий фаолият, молия ва бошқарув масалалари бўйича маслаҳат хизмати	15 700	13 900
67	Геология ва ер ости бойликларини ўрганиш. Геодезия ва гидрометрология хизмати	28 000	24 600
68	Таҳририят ва нашриёт	9 000	7 900
69	Металл ва чиқиндиларни йиғиш идораси	9 000	7 900
70	Тураржой хўжалиги (ТСЖ)	9 000	7 900
71	Меҳмонхона хўжалиги	17 900	15 800
72	Ётоқхона	14 000	12 000
73	Аҳолига маиший хизматнинг ноишлаб чиқариш турлари бўйича хизмат кўрсатиш	9 000	7 900
74	Сартарошхона, фотосалон, ателье пойафзал таъмирлаш устaxonалари	13 500	12 000
75	Ломбард	20 300	17 900
76	Ҳаммом	27 000	23 800
77	Сауна ва чўмилиш ҳавзаси	53 800	47 500
<b>Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий қўллаб қувватлаш</b>			
78	Соғлиқни сақлаш	11 200	9 800
79	Дам олиш ва туризм	11 200	9 800
80	Фитобар	7 800	6 800

81	Маданий ва кўнгиш очиш марказлари (бильярд, ўйин автоматлари, дискотека ва бошқалар)	17 900	15 800
82	Жисмоний тарбия ва спорт	5 600	4 900
83	Дорихона муассасалари	9 000	7 900
84	Оптика ва тиббий жиҳозлар сотиш дўконлари	18 900	14 500
85	Ижтимоий дорихона муассасаси	8 000	7 400
<b>Таълим</b>			
86	Олий ва ўрта махсус таълимга эга кадрларни тайёрлаш ( шу жумладан, ўқув курслари )	9 000	7 900
87	Ишчи ва бошқа ишчи ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш	7 000	6 500
88	Умумтаълим болалар мактаблари (нодавлат таълим муассасалари учун)	4 600	4 000
89	Ўқув муассасаларида умумий овқатланишни ташкил этиш	5600	4 900
90	Мактабгача тарбия (нодавлат муассасалари учун)	4 000	3 700
91	Маданият ва санъат	15 700	13 900
92	Кўрғазмалар	12 100	11 200
93	Мактабдан ташқари тарбия	4 600	4 000
94	Маданий ва дам олиш истироҳат боғлари	11 200	9 800
95	Ботаника ва ҳайвонот боғлари	11 200	9 800
96	Телевидение ва радиоэшиттириш	11 200	9 800
97	Киностудия, овоз ёзиш студияси	17 900	15 800
98	Фан ва илм-фан хизматлари	6 800	5 900
99	Ҳайдовчилик мактаблари	10 000	7 000
<b>Молия-кредит фаолияти</b>			
100	Молия, кредит(суғурта ва аудиторлик фаолиятидан ташқари) нафақа таъминоти	15 700	13 900
101	Аудиторлик фаолияти	15 700	13 000
102	Банк фаолияти	15 700	13 900

<b>Бошқа фаолият турлари</b>			
103	Суғурта	15 700	13 900
104	Суд ва ҳуқуқий хизматлар	13 500	12 000
105	Адвокатлар ҳайъати ва ҳуқуқий маслаҳатлари	13 500	12 000
106	Жамоа бирлашмаси	4 600	3 900
107	Омборхона	15 700	13 900
108	Давлат корхоналари учун идора	6 800	5 900
109	Хусусий ташкилотлари учун идора	24 600	21 700
110	Архивлаш хизмати	6 800	5 000
111	Енгил ва бошқа транспорт воситаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш (шу жумладан, вулканизациялар)	17 900	15 800
112	Лабораториялар	11 200	9 800
113	Бошқа турдаги хизмат тўлови (пайнет)	45 000	39 600
114	Маданий мерос объекти бино иншоотларида савдо	24 600	21 700
115	Маданий мерос объекти бино иншоотларида умумийовқатланиш	21 500	19 000
116	Авиа кассалар (шу жумладан, темир йул, транспорт ва бошқалар)	24 600	21 700
117	Банкоматлар	224 400	197 900
118	Нон ва булочка маҳсулотларини тайёрлаш (кондитер маҳсулотлари: тортлар, пишириқлар ва бошқалар)	15 700	13 900

**Изоҳ:** -Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 30 июндаги 07/10-41-сон мажлис баённомасининг 11-бандига мувофиқ мулкий шаклдан қатъий назар дорихона муассасаларининг филиаллари ҚВП биноларида фаолият кўрсатаётганлиги учун ижара ноль ставкаси қўлланилади.

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 22 ноябрдаги 02/1-74-сонли топширигига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Савдо бошқармасининг таркибий қисмлари учун ёпиқ ҳарбий шаҳарчалар, ҳарбий қисм ва муассасалари ҳудудларида жойлашган кўчмас давлат мулкидан фойдаланганда ижара тўловининг ноль ставкаси қўлланилади.

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 октябрдаги "Ёшлар тадбиркорлик кластерларини ташкил этишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги 834-сон қарорига мувофиқ фойдаланилмайётган, шу жумладан эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳудудида жойлашган давлат мулки Ўзбекистон ёшлар иттифоқи аъзоси бўлган ёш тадбиркорларга Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг шаҳар ҳамда туман кенгашларининг илтимосига кўра 5 йилдан кўп бўлмаган муддатга ижара ҳақининг "нол" ставкаси қўллаган ҳолда ижарага берилади;



-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 августдаги 14/1-1959-сонли топширигига асосан, Олимпиада ўйинларида галиб ва совриндорлари учун аҳоли гавжум жойларда спорт мажмуаларини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг тақдимномасига асосан давлат қўчмас мулклар ҳамда ер майдонлари спорт фаолиятини сақлаб қолиш шарти билан ижара ҳақининг “нол” ставкаси қўлланилади.

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 августдаги №609-20-сонли буйруғига биноан Мудофаа вазирлиги томонидан давлат унитар корхоналарига, шунингдек Мудофаа вазирлиги тизимидаги бошқа хўжалик юритувчи, ўз-узини молиялаштирувчи бўлимларига бериладиган бинолар, хоналар, жиҳозлар, ускуналар, мебеллар ва бошқа мол-мулклар учун ижара тўлови “ноль” ставкада ўрнатилади.

**Ижрочи: Вилоят ҳокимлиги Тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, экспортга кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш гуруҳи бош мутахассиси**  
**Э.Ашуров**

**“Самарқанд вилоят Давлат мулкни ижарага бериш маркази” ДУК директори**  
**Б.Пайшанов**



Вилоят ҳокимининг  
2019 йил “12” январдаги  
16-Қ -сонли қарорига  
2-илова

**Ижара тўлови ставкаларига қўлланиладиган оширувчи  
коэффициентлар**

<b>I. Худудий зоналар коэффициенти – (Кз)</b>			
№	Худудлар номи	Зоналар	Коэффициент
1	Самарқанд шаҳар	1	3
2	Фарход шаҳарчаси Кимёгарлар шаҳарчаси Сўлим шаҳарчаси (Хишрав МФЙ)	2	2
3	Каттакўрғон шаҳар	3	2
4	Туман марказлари	3	2
5	Туман қишлоқлари	4	1,5
<b>II. Бинонинг қурилиш тури бўйича коэффициенти – (Кк)</b>			
2.1	Алоҳида турган бино		1,5
2.2	Бинога тақаб қурилган		1,4
2.3	Бинонинг устки қисми, чердак, болахона		0,9
2.4	Ярим ертўла, ер тўла		0,7
2.5	Бетонлаштирилган (асфальтланган) иншоотлар		0,8
<b>III. Туташиб кетган худуддан фойдаланиш коэффициенти (Кк)</b>			
3.1	Ер майдони мавжуд бўлганда		0,8
<b>IV. Тижорат мақсадида фойдаланишда қулайлик коэффициенти – (Ко)</b>			
4.1	Асосий қатнов йўлларида жойлашганда		0,6
4.2	Иккинчи даражали транспорт қатнови йўлларида жойлашганда		0,5

**Изоҳ:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги 102-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 10-бандига мувофиқ, мол-мулкнинг бошқа турлари учун ижара тўлови ставкасини ҳисоблашда, агар ижарага топширилаётган мулкдан амалда фойдаланилган муддат, ундан самарали фойдаланиш муддатидан ортиқ бўлмаса ёки ушбу муддатда тенг бўлса, ёки амалда фойдаланилган муддатни аниқлаш мумкин бўлса – мол-мулк тикланиш қийматининг 30 фоизидан, агар ижарага топширилаётган мол-мулкдан амалда фойдаланилган муддат ундан самарали фойдаланиш муддатидан ортиқ бўлса – мол-мулк тикланиш қийматининг 20 фоизидан кам бўлиши мумкин эмас.

**Ижрочи:** Вилоят ҳокимлиги Тадбиркорлик ва  
ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, экспортга  
қўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш гуруҳи бош  
мутахассиси  
Э.Ашуров

“Самарқанд вилоят Давлат мулкни ижарага бериш  
маркази” ДУК директори  
Б.Найманов

